

**МАЖБУРИЯТЛАР ТАҲЛИЛИДА КОРХОНА МОЛИЯВИЙ
ХОЛАТИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Аскарова Д.Х.
*ТДИУ Молиявий таҳлил кафедраси
доценти в.б., PhD.
D_askarova@mail.uz*

Аннотация. Ушбу мақолада мажбуриятлар таҳлилида корхона молиявий ҳолатини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш йўналишлари кўриб чиқилган. Молиявий баҳолашни ўтказиш учун таҳлил қилишнинг ҳар хил ёндашувлари қўлланилади, уларнинг ҳар бири ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга. Ёндашувлар кўплаб омиллар билан белгиланади, корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолашнинг у ёки бу ёндашуви ва усулини танлаш таҳлилнинг тўлиқлиги ва тўғрилигига бевосита таъсир қиласи. Рақамлаштириш шароитида мажбуриятлар таҳлилида корхоналарнинг молиявий ҳолатини баҳолаш молиявий ҳисобот маълумотларига асосланган анъанавий ёндашувлардан ташқарига чиқади.

Калит сўзлар: даромад, бозор, ликвидлик, тўлов қобилияти, ўз айланма маблағлари, камомад, ортиқча, рентабеллик, молиявий ва операцион цикл.

Иқтисодчилар орасида “молиявий ҳолат” тушунчасининг таърифи бўйича ягона нуқтаи назар мавжуд эмас.

Корхонанинг молиявий ҳолати қуидагилардан иборат деган фикрлар мавжуд:

- корхонанинг молиявий ресурслари мавжудлиги ва фойдаланишини акс эттирувчи кўп ўлчамли иқтисодий қўрсаткич [1];
- молиявий ресурслар мавжудлиги, жойлаштирилиши ва фойдаланишини акс эттирувчи қўрсаткичлар мажмуи[2];
- корхонанинг ўз қарз мажбуриятларини қайтариш қобилиягини акс эттирувчи қўрсаткичлар мажмуи[3];

бозор субъектининг молиявий муносабатлари ва унинг ўз фаолиятини муайян санадаги ҳолати бўйича молиялаштириш қобилиягини акс эттирувчи иқтисодий категория [4];

Ушбу масала бўйича адабиётларни ўрганиш шуни қўрсатадики, молиявий ҳолатни таърифлашда кўпинча молиявий ресурсларни жойлаштириш ва фойдаланиш эсга олинади. Муаллифлар молиявий ресурслар мавжудлиги, тўлов қобилияти, рақобатбардошлик, бошқа хўжалик субъектлари билан ўзаро муносабатлар, ишончлилик, кредитга лаёқатлилик, корхонанинг имкониятлари (потенциали), маблағлар ҳаракатчанлиги ва бошқалар каби параметрларни ҳам ажратиб қўрсатади.

Турли талқинларни умумлаштириб, қуидаги таърифни шакллантириш мумкин: молиявий ҳолат – бу молиявий ресурсларни

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

жойлаштириш, эгалик қилиш ва фойдаланишни, шунингдек, уларни муаяйн вақтда етарлилигини таъминловчи иқтисодий категориядир.

Таҳлилнинг кўп учрайдиган йўналишлари: тўлов қобилияти таҳлили, молиявий мустақиллик, молиявий барқарорлик, актив ва пассивлар таркиби таҳлили, шунингдек, иш фаоллиги таҳлили (айланувчанлик, капиталдан фойдаланиш самарадорлиги), рентабеллик (фойдалилик, даромадлилик), ликвидлик таҳлили. Бу йўналишларни корхонанинг молиявий ҳолати таҳлилини ўтказишида асосий қўлланмалар сифатида тавсифлаш мумкин.

Корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолашда муайян бир хилликка эришиш учун асос сифатида “молиявий ҳолат” тушунчаси мазмунидан фойдаланишни таклиф қиласиз. Шунга мос равишда молиявий ҳолат таҳлилининг уч йўналишини ажратиш мумкин:

- молиявий маблағларни жойлаштириш ва эгалик қилиш (№1 шакл асосида таҳлил қилинувчи «иқтисодий потенциал мавжудлиги» [5];
- молиявий маблағлар етарлилиги, таҳлил учун пул маблағларини ҳисобга олиш счёти бўйича 1, 2, 4- қайднома шакллари маълумотлари жалб қилинади;
- молиявий маблағлардан фойдаланиш («иқтисодий потенциалдан фойдаланиш») [6], № 1 ва 2-шакл асосида таҳлил қилинади.

Ўз навбатида, молиявий ҳолат таҳлилини ўтказиши корхона фаолиятининг ҳар қандай пайтида молиявий ҳолат ва молиявий натижаларни ҳар томонлама кўриб чиқишини таъминловчи комплекс баҳолашни ўз ичига олиши лозим.

Молиявий барқарорлик таҳлили корхонанинг молиявий ҳолати таҳлилининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири саналади. Молиявий барқарорлик ва тўловга ноқобиллик риски кўпинча корхона капитали тузилишига, унинг активлари тури ва улар ўртасидаги нисбатга боғлиқ бўлади. Корхона учун қарз капитали муайян риск улушкини келтириб чиқаради, чунки унинг молиявий аҳволи қандайлигидан қатъий назар, кредитлар ва улар учун ҳисобланган фоизлар ўрнатилган муддатда тўланиши лозим. Корхонанинг ўз мажбуриятларини бажаришга қобилиятсизлиги туфайли бу ҳолат заарлар юзага келишига ва унинг оқибати сифатида ўз капиталини ютиб юборишига олиб келади. Корхоналар учун бундай вазият банкротликка айланиб кетиши ҳам мумкин. Ўз капиталининг хусусияти унинг ўзгармаслиги, шунингдек, у албатта фойда олинишини кафолатламаслигидан иборат. Бизнинг фикримизча, унинг рисклилиги нуқтаи назаридан бу муаммо икки жиҳатга эга. Бир томондан, ўз капитали корхонанинг асосий рискли капитали ҳисобланади, бошқа томондан, ўз капитали риск билан кам даражада боғланган, чунки дивиденд тўлаш ва тақсимлаш таъсисчилар умумий йиғилиши ёки директорлар кенгаши томонидан белгиланади ва дивидендлар тўлаш бўйича мажбурий талаблар мавжуд эмас, шунингдек

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

акционерлар ўз ҳаракатлари билан корхонани банкротликка олиб келиши мумкин эмас.

Узоқ муддатли манбалар корхонанинг муддатли мажбуриятлари ҳисобланмайди, шунинг учун пассивларнинг ушбу моддаси ҳисобига шаклланган айланма капитали корхонанинг ўз айланма капиталига киритилади, яъни “боғланмаган” ҳисобланади. Масалан, узоқ муддатли кредитлаш ҳажмини ошириш билан корхона ликвидигининг молиявий ҳаракатчанлигини оширамиз. Бироқ узоқ муддатли мажбуриятларни бажариш вақти яқинлашиши билан улар қисқа муддатлилар тоифасига ўтади, мутаносиб равишда вақтнинг бу пайтида ўз айланма капитали миқдорига киритилади.

Шунинг учун унинг таркибидаги ҳар бир йўналиш бўйича молиявий ҳолат таҳлили билан бирга корхона молиявий ҳолати кўрсаткичларининг тизимли таҳлилини ўтказиш мақсадга мувофиқ. У турли таҳлилий коэффициентларни ўзаро мувофиқлаштиришни таъминлайди. Бунинг учун биз корхона молиявий ҳолатининг норматив тизимли моделини шакллантириш ва ундан фойдаланишни таклиф қиласиз. Бундай моделни амалга ошириш ҳозирги шароитда корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилишда юзага келувчи кўплаб муаммоларни ҳал қилишга имкон беради.

Адабиётлар

1. Жамбекова Р.Л. Методика системной экономической диагностики предприятия: Дисс. . . . д-р. Экон. Наук. СПб., 2001. 185-186 б.
2. Ковалев В.В. Анализ финансового состояния и прогнозирование банкротства. СПб.: Аудит Ажур, 1994. 163 б.
3. Маркарьян Э.А., Герасименко Г.П. Финансовый анализ. М.: ПРИОР, 1997. 41-б.
4. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий АПК: учебник. Минск: ИП «Экоперспектива», 1998. 272-б.
5. Ковалев В. В., Патров В. В. Как читать баланс. М.: Финансы и статистика, 1998. 179-б.
6. Mamatqulov A.X. (2023). Paxtani qayta ishslash korxonalarida xarajatlarini boshqarish va hisobga olish usullari. *Moliya ilmiy jurnali*, 3-сон.
7. Mamatqulov A.X.(2023). Paxtani qayta ishslash korxonalarida ishlab chiqarish xarajatlari bo'yicha tannarxni hisoblash usullarini takomillashtirish https://gospodarkainnowacje.pl/index.php?issuet_view_32articleview1910
8. Raximov M. Y. Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O'quv qo'llanma / O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lif vazirligi Toshkent Moliya instituti. -T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2013.392 b.
9. Raximov M.Y. Moliyaviy tahlil-2 (o'quv qo'llanma) T.:TMI. 2003 y. 166 b.
10. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Xo'jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 4 (2024), 754–759

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

11. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting", Issue 1, February 2023.*
12. Қличев, Б. (2022). КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1343>
13. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 5(5), 241–248. Retrieved from <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906>
14. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting", Issue 2, April 2023.*
15. U.K.Yakubov, G.S.Maxmudova. (2022). Biznes tahlil: Operatsion tahlil-1,2. (Darslik). –Т.: “Nihol print”, 205 б.
16. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 86–94. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3251>
17. Косимович, Я. У. (2024). Ташқи савдо фаолиятида мақбул ечимни топиш масалаларини таҳлили. *World scientific research journal*, 26(2), 199-205.
18. Tulaev, M. (2024). Moliyaviy hisobot konsepsiyalari. *Nordic_Press*, 2(0002).
19. Абдуллаев, А. Б. (2019). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА И АНАЛИЗА НАЛОГОВ. In *БУХГАЛЬТЕРСКИЙ УЧЕТ: ДОСТИЖЕНИЯ И НАУЧНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ XXI ВЕКА* (pp. 10-17).
20. Kasimovich, Y. U. (2021). Developing A Model On The Basis Of A System Of Indicators Determining The Efficiency Of Foreign Trade Activities. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(7).
21. ҚЛИЧЕВ, . Б. П. (2022). ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>
22. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишилаб чиқарии ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. *Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики*, 1(01), 170–173. <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
23. Tulaev, M. (2024). T BUXGALTERIYA HISOBINING SCHYOTLARI VA ULARNING MOHIYATI. Nordic Press, 2(0002).
24. Qlichev, B. (2024). Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda operatsion faoliyat tahlilining zarurligi. *Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning*

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

ustuvor yo'nalishlari, Konferensiya to'plami. Termiz, O'zbekiston. 15-iyun 2024-yil. <https://doi.org/10.5281/zenodo.11909171>

25. Қличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишилаб чиқарилиши ҳажсми таҳлилини тақомиллаштириши масалалари. *Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>

26. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI).Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587-4593.- URL:<https://www.tojqi.net/index.php/journal/article/view/4494>

27. Mamatqulov A.X. (2024). Qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish hisobi va tahlilini takomillashtirish. Jahon ilmiy tadqiqot jurnali, 26(3), 132–140. <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3256>

